

Жиноят Ишларини Юритиш Давомида Тайинланган Экспертиза Текширувлари Бўйича Хулоса Берувчи Экспертларнинг Хуқуқлари

Жўрабоев Ўткирбек Умиджон ўғли

ИИВ Ташкилий департаменти Ташкилий назорат бошқармаси
идоравий назорат ва режалаштириш бўлими катта инспектори

Annotatsiya: Дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида Экспертиза текширувларини тайинлаш ва экспертиза хулосаларни терговчи ҳамда суриштирувчи томонидан экспертиза хулосаларини баҳолашда экспертларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг таъминланиши аҳамияти. Экспертиза хулосаси баён этилган тил.

Kalit so'zlar: Экспертиза хулосаси, экспертиза хулосасини баҳолаш, терговчи, суриштирувчи, эксперт, давлат тили, иш юртилаётган тил, экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат тили, она тили.

Ўз ССРнинг 1926 йилги Жиноят-процессуал кодекси махсус билимлардан фойдаланиш институти ривожига катта ҳисса қўшган бўлса-да, бир қатор камчиликлардан ҳам холи бўлмаган, хусусан, «эксперт» тушунчасига тўлиқ таъриф берилмаган, экспертиза қандай тергов ҳаракати эканлиги баён этилмаган, эксперт ва гувоҳларнинг ҳуқуқий мақоми бир моддада кўрсатилган бўлиб, улар бир хил ҳуқуқий мавқега эга бўлган, экспертиза турлари ҳамда уларнинг тайинланиши ва ўтказилиши ҳақидаги моддалар ўз ифодасини топмаган, экспертнинг терговчи томонидан берилган 14 та саволлардан ташқари ўзининг ташаббуси билан бир қатор бошқа ҳолатларга ҳам хулоса бериши ва оидинлик киритиши мумкинлиги баён қилинмаган. 1929, 1959 йиллардаги Ўз ССР ЖПКларида, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилдаги кодексидан фарқли равишда, эксперт билан гувоҳ бир қаторга қўйилганлиги ва уларнинг ҳуқуқий мақоми бир-биридан фарқ қилмаганлиги, ҳаттоки уларнинг ҳуқуқий ҳолати битта моддада акс эттирилганлиги камчилик сифатида кўрсатилган¹.

Амалда қончилиikka яъни Ўзбекистон республикаси Жиноят процессуал кодексига кўра жиноят процесси иштирокчиларининг ҳар бирининг ҳуқуқий мақоми яъни уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида-алоҳида белгилаб қўйилган. Хусусан жиноят процессининг муҳим иштирокчиларидан бўлган экспертлари ва экспертлар билан бир қаторда тилга олинган мутахассисларнинг ҳам ҳуқуқий мақломлари бошқа-бошқа моддаларда аниқ кўрсатилган. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 68-моддасида экспертнинг мақоми, 69-моддада экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 70 моддада мутахассиснинг мақоми ва 71-моддада мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари келтирилган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилиши мумкин, хўш экспертларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кодексда алоҳида кўрсатиб ўтилишидан мақсад ним?

¹ Астанов Истам Рустамович “Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари” Фан доктори (DSc) диссертацияси. Т-2018.

Жиноят процессуал кодексининг 87-моддасига кўра экспертиза текширувларини тайинлаш жиноят процессида шахсининг айбли ёки айбсизлигини аниқлаш учун далилларни тўплашнинг асосларидан бири сифатида кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йилдаги 24 августдаги 24-сон қарорида эса экспертиза текширувларини қонунда белгиланган тартибига риоя этмасдан, мазкур текширувни ўтказишга ваколатли ва лаёқатли бўлмаган шахс томонидан ўтказилган ҳолларда мазкур экспертиза хулосаси номақбул далил деб топилади. Шу сабабли ҳам жиноят процессида экспертларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб қўйилиши жиноят процессида исботлаш жараёнида бевосита аҳамият касб этади.

Жиноят процессида шахсининг айбли ёки айбсизлигини исботлаш жараёнида Амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигаг мувофиқ экспертларнинг зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

Суд эксперти:

- суд эксперти сифатида ўзини ўзи рад этиши учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақда суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) ёки давлат суд-экспертиза муассасасининг ёхуд бошқа ташкилотнинг раҳбарига дарҳол маълум қилиши;
- ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва ҳолисона хулоса бериши;
- суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг чакирувига биноан суриштирувда, дастлабки терговда ёки суд мажлисида шахсан иштирок этиш учун келиши;
- ўзи ўтказган суд экспертизаси хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериши;
- суд экспертизасини ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги;
- тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаши;
- иш тергов қилинаётганда ва суд муҳокамаси вақтида тартибга риоя қилиши шарт.
- Суд эксперти зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Суд эксперти:

- суд экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ бўлган, ишнинг натижасидан ўзининг манфаатдор эмаслигини шубҳа остига қўядиган масалалар юзасидан процесс иштирокчилари билан шахсий алоқага киришишга;
- суд экспертизасини ўтказиш учун мустақил равишда материаллар тўплашга;
- суд экспертизаси натижаларини суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) ташқари бирон-бир шахсга хабар қилишга ҳақли эмас.
- Давлат суд эксперти, шунингдек:
- агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, давлат суд-экспертиза муассасаси раҳбаридан ташқари бевосита бошқа бирон-бир органдан (шахсдан) суд экспертизасини ўтказиш тўғрисида топшириқлар қабул қилишга;
- бошқа ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс сифатида суд экспертизасини ўтказишга ҳақли эмас.

Жиноят процессуал Кодексининг 68-моддасида экспертларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари келтирилган бўлиб унга кўра - “Эксперт: экспертиза предметиға оид иш материаллари билан

танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш; экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш; тергов ҳаракатлари ўтказилаётганда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсати билан ҳозир бўлиш ҳамда шу тергов ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга экспертиза предметиға оид саволлар бериш; суд муҳокамасида экспертиза предметиға оид далилларни текширишда иштирок этиш ва сўроқ қилинаётган шахсларға суднинг рухсати билан саволлар бериш; ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш; ўз хулосасида нафақат ўзининг олдиға қўйилган саволлар бўйича, балки экспертиза предметиға оид ва иш учун аҳамиятға молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш; унинг хулосаси ёки кўрсатувлари процесс иштирокчилари томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида тергов ҳаракати ёки суд мажлиси баённомасиға киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш; агар у иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; агар ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) экспертнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан шикоятлар қилиш ҳуқуқиға эгадир.

Эксперт: Жиноят процессуал Кодекснинг 76 ва 78-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ўзини ўзи рад этиши ҳақида дарҳол арз қилиши; ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдиға қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона ёзма хулоса бериши; суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг чақирувига биноан суриштирувда, дастлабки терговда ёки суд мажлисида шахсан иштирок этиш учун келиши; ўзи ўтказган экспертиза хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун қўшимча саволларға жавоб бериши; экспертизани ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги; тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаши; иш тергов қилинаётганда ва суд муҳокамаси вақтида тартибға риоя қилиши шарт.

Эксперт узрсиз сабабларға кўра келмаган тақдирда қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши мумкин.

Эксперт била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатсиз ошкор қилганлиги, шунингдек узрсиз сабабларға кўра хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгар бўлади”.²

Юқорида кўрсатиб ўтилган экспертларнинг айрим ҳуқуқлари жиноят ишини кўриб чиқиб, шахсларнинг айблилик масаласини ҳал этишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьяларға қийинчиликлар ҳам туғдирмоқда. Айни дамдаги Жиноят процессуал кодекси талабларига мувофиқ экспертиза хулосалари терговчи, суриштирувчи томонидан баҳоланганидан сўнггина иш учун аҳмиятли далил хисобланади. Агарда эксперт томонидан тақдим қилинган хулоса дастлабки тергов ва суриштирув давомида терговчи ва супҳриштирувчи томонидан номақбул деб топиладиган бўлса ушбу далилдан жиноят иши доирасини шахсни айблилик ёки айбсизлик масаласини ҳал қилшда фойдалиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексининг 68-моддасиға мувофиқ экспертлар ўзи ўтказган экспертиза текширувлари натижалари юзасидан ўзининг она тилида хулоса бериши мумкинлиги назарда тутилган. Бундан келиб чиқадики экспертлар томонидан хулоса тақдим қилиш жараёнида экспертлар хулосаларини ўзлари хоҳлаган тилларида хулоса бериш ҳолатлари кузатилади. Хусусан Х.Сулаймонова номидаги республика экспертиза бош марказининг ҳамда марказнинг Фарғона вилояти филиали ва бошқа кўплаб филиаллари экспертлари аслида ўзбек тилида мулоқот қилсаларда, ўзларидан олдин фаолият олиб борган

² Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодекси 68-моддаси.

айрим русийзабон ва рус миллатига мансуб экспертлардан қолган “ананалари”ги мувофиқ экспертиза хулосаларини рус тилида бериш ҳолатларини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Бироқ миллий қонунчилигимиз талабларига мувофиқ жиноят ишлари бошидан охирига қадар битта тилда юритилиши лозимлиги назарда тутилади, бундан ташқари жиноят процесси иштирокчилари ва экспертиза тайинлаган ишни судга қадар юритувчи органлар мансабдор шахслари ҳар доим ҳам экспертиза текширувини амалга оширган экспертнинг она тилини билмайди. Бу эса экспертиза хулосаси билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган процесс иштирокчилари ҳамда экспертиза хулосаларини ишга алоқадор ёки йўқлигини, далилий аҳамиятга эга ёки йўқлигини баҳолаш ваколатига эга бўлган терговчи ва суриштирувчиларни иш ҳолатига тўлиқ ва тўғри баҳо беришларига тўсқинлик қилиб келмоқда.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида тайинланган экспертиза хулосаларини жиноят иши юритилаётган тилга таржима қилиб ишга қўшиш тизимини жорий қилсак мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман. Шу ўринда яна бир нарсага эътибор қаратиш керакки экспертиза хулосаларида алоҳида махсус терминлар кўп ишлатилганлиги туфайли уларни таржима қилишда алоҳида мутахасислик билимларига эга бўлмаган таржимонлик марказларидан фойдаланиш таржима қилинган экспертиза хулосаларда фойдаланиш вақтида тушунмовчиликлар юзага келиши сабабчи бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учу бундай тушунмовчиликлар вужудга келишини олдини олиш мақсадида хулосаларни жиноят иши юритилаётган тилга таржима қилиш мажбуриятини экспертиза муассалари зиммасига юклаш лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак миллий қонунчилигимиз талабларини ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда экспертлар томонидан экспертиза хулосаларини экспертларнинг она тилида эмас, балки жиноят иши юритилаётган тилда тақдим қилиш тизимини жорий қилишимиз лозим. Бу эса ўз навбатида терговчи ва суриштирувчилар томонидан экспертиза хулосаларини баҳолашни осонлаштириши билан бир қаторда экспертиза хулосалари билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган процесс иштирокчиларини ҳам ҳуқуқларни тўлиқ таъминлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. Т-2023 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Т-2021 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. Т-2021 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун Т-2017 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 23 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни.
6. Д.Р.Валиков “Тергов ҳаракатлар ва суд ҳаракатларининг тушунчаси ва ҳуқуқий табиати”
7. Астанов Истам Рустамович “Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари” Фан доктори (DSc) диссертацияси. Т-2018.
8. Криминалистик экспертизаларни ўтказишдаги хатолар: Ўқув-методик қўлланма / Ш.Х.Хасанов, С.С.Нуриддинов, А.Д.Хусанов, И.Э.Эшметов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 68 б.
9. <http://ru.wikipedia.org>